

Фузул битими



12:45 / 02.10.2019 3104

(ҳижратдан аввалги 34 йил зулқаъда ойи; милодий 590 йил)

Ўша пайтларда Зубайд қабиласидан бир киши сотиш учун Маккага нарса олиб келди. Унинг нарсасини Қурайшнинг зодагонларидан Ос ибн Воил Саҳмий сотиб олди. Аммо ҳаққини бермади. Зубайдлик киши Қурайшнинг бошлиқларига бу ҳақда арз қилиб, ёрдам сўради. Улар Ос ибн Воилдан ҳайиқиб, мазлумга ёрдам беришдан бош тортишди.

Шунда зубайдлик киши: «Макка аҳлининг йигитлиги ва муруввати борларидан ёрдам сўрайман!» деб дод солди.

Макка аҳлидан ўзини эр санаб, мурувватлиман, деб юрганлари Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйига тўпландилар. Уй эгаси улар учун таом тайёрлади. Таомдан кейин мажлис қуриб, аҳдлашиб, Аллоҳнинг номи ила бир

шартнома туздилар. Улар: «Мазлумнинг ҳаққини золимдан олиб бермагунимизча, ҳаммамиз бир тану бир жон бўламиз», дедилар.

Бу иш фазилатли иш бўлгани учун қурайшликлар уни «фузул битими» деб аташди. Сўнг битим тузганлар Ос ибн Воилнинг олдига бориб, мазлумнинг ҳаққини олиб бердилар.

Кейинчалик ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу битимда иштирок этганларидан қувониб юрар эдилар. У зот ҳадиси шарифларидан бирида қуйидагиларни айтганлар: **«Мен Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида бир битимда қатнашганман. Агар Ислонда ҳам ўшандоқ битимга даъват қилинсам, даъватни албатта қабул қилар эдим».**

«Ислон тарихи» биринчи китоб